
Вилоят ҳоқими Тошлоқ туманида барпо этилган янги йирик корхоналарни кўздан кечирди

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Тошлоқ туманидаги бўлиб, "Agro Impex Valley Marketing" МЧЖ томонидан барпо этилган, жиҳозлаш ишлари якунланаётган "Amira Textile" корхонасида бўлиб, янги йўлга қўйилаётган текстиль ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш линияси билан танишди. Корхонада пойафзал ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган бўлиб, яқин кунларда хориждан келтирилган дастгоҳларни ўрнатилиши бошланади.

Қарийб 65 млрд. сўмлик лойиҳа тадбиркорнинг ўз маблағи ҳамда хорижий кредит линияси ҳисобига амалга оширилаётган бўлиб, Япониядан ва Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Корхона тўла ишга тушиши натижасида 500 та иш ўрни яратилади.

Вилоят ҳоқими Юқориқишлоқ МФЙ Қалача маҳалласида "Exsport Import Quality" мева-сабзавотчилик кластери томонидан амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш лойиҳасини ҳам бориб кўрди. Бу ерда барпо этилган лимончилик иссиқхонасида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Ҳар икки манзилда тадбиркорлар билан мулоқот давомида лойиҳаларни тўла ишга тушириш билан боғлиқ масалалар ҳамда иш ўринларини кўпайтириш имкониятлари муҳокама қилинди.

2022-03-27 19:41:37